

№ 47 сонли  
ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ (КОНТРАКТ)

Урганч шаҳар

«20» сентябрь 2022 й.

Кейинги уринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган «УРГАНЧ МАНЗИЛГОХИ ШИФОХОНАСИ» номидан Низом асосида бош шифокор И.Р.Искандаров бир томондан, кейинги уринларда «Пудратчи» деб юритиладиган "XORAZM IRDIMZON QURUVCHSI" ЧП номидан Низом асосида ҳаракат қилувчи корхона раҳбари Рузметов Ж.А. иккинчи томондан Хоразм вилояти Урганч шаҳрида жойлашган Ёшлик №25 Урганч Манзилгохи шифохонасига қарашли 4 қаватли муолажа биносининг 4-чи қаватидаги ГИНЕКОЛОГИЯ бўлимини капитал таъмирлаш ишларини амалга ошириш бўйича мазкур пудрат шартномасини туздилар. Лот№147217 16.09.2022й.

### I. ТАЪРИФЛАР

1. Мазкур шартномада қуйидаги таърифлар қулланилади;

**-ижро ҳужжатлари** - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул булган шахслар томонидан уларга киритилган узғаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тугрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва урнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларини бажаришда қулланиладиган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқданганлиги тугрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралик даврда қабул қилиниши тугрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тугрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

**-қурилиш майдони** - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қуйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қуйилади;

**-вакцинчалик иншоотлар** - Пудратчи томонидан қурилиш майдонида урнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур булган ҳар қандай типдаги вакцинчалик бинолар ва иншоотлар;

**-беркитиладиган ишлар** - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин булмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

**-шартнома нархини бўлиб чиқиш** - ишларнинг ҳар бир босқичи ва ёки турлари қийматини аниқ белгилаган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

### II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ.

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ Хоразм вилояти Урганч шаҳрида жойлашган Урганч манзилгох шифохонаси гинекология бўлимини жорий таъмирлаш объектида қузда тутилган лойиха бўйича жорий таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва туловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### III. ШАРТНОМА БУЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ.

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажариладиган, ишлар қиймати барча солиқлар, йигимлар, ажратмалар ва пудратчининг бошқа ҳаражатларини уз ичига олган ҳолда жорий нархларда қушилган қиймат солиғи билан бирга **1 369 723 556 (Бир миллиард уч юз олтинмиш туккиз миллион етти юз йигирма уч минг беш юз эллик олти)** сумни ташкил этади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта қуриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- қурилиш қийматини қупайтиришга енгиб булмайдиган қуч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб булганда; ишлар қиймати Буюртмачи томонидан узгартирилганда;

- объектнинг қурилиши бир йилдан ортиқ муддатга узгартирилганда.

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб утилган узгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи уртасидаги шартномага қушимча битам билан расмийлаштирилади.

#### IV. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

7. Мазкур шартнома буйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

-барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга 2-иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда узининг қучлари ёки жалб қилинган қучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

- қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлашни таъминлайди;

- қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

- Буюртмачини субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тугрисида хабардор қилиш;

- қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, утқазилган л фахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш буйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироклари урнатиш;

қурилиш таваккалчиликларини сутурта қилиш;

- мазкур шартнома буйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тугрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини узига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

- қурилиш майдони қуриқлигини таъминлаш;

- қурилишда таваккалчилик сутуртаси учун белгиланган суммага сутурта ташкилотларидан бири билан таваккалчилик сутуртаси тугрисида шартнома тузади ва сутурта шартномаси билан сутурта полисини буюртмачига тақдим қилади.

-мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тулик ҳажмда бажариш мажбуриятини уз зиммасига олади.

8. Пудратчи мавжудлигини қафолатлаган узининг 20% га тент бўлган ва унга хизмат курсатувчи банк томонидан берилиши қафолатланган 20% айланма маблағларини мазкур шартномада қўзда тутилган объект харажатлари учун унумли ишлатиш мажбуриятини олади.

9. Пудратчи объектни фойдаланишга топшириш учун Буюртмачига барча ишлар бажарилганини исботловчи ҳужжатларни (исполнительная документация) тулик ҳажмда тақдим қилади.

10. Пудратчи мазкур шартнома буйича барча ишларнинг уз қучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тулик мулкый жавоб беради.

#### V. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

11. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

- мазкур шартномага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврга далолатнома буйича Пудратчига бериш;

- ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

- Пудратчининг барча мурожаатларини ун кун муддатда қуриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

- молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 1-иловата мувофиқ аванс бериш ва жорий

молиялаштиришни амалга ошириш;

- Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари руйхатини тақдим этиш;

- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тулик ҳажмда бажариш мажбуриятларини олади;

12. Буюртмачи мазкур шартномада қузда тутилган уз мажбуриятларини бажармаса ёки етарли тарзда бажармаса пудратчи олдида тулик мулкый жавоб беради.

## VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ.

13. Шартнома томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб қучга қиради.

14. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинган ишларни бажариш жадвалига мувофиқ ишларни бажаради

15. Объектни «3» «12» 2022 йил фойдаланишга топширилиши белгиланади.

## VII. ТУЛОВЛАР ВА ХИСОБ – КИТОБЛАР

16. Шартнома буйича узаро ҳисоб-китоблар миллий валюта - «сумда» қилинади.

17. Буюртмачи мазкур шартнома буйича ишлар умумий жорий қийматининг 15% миқдорида аванс утказади, бу **205 458 533 (икки юз беш миллион тўрт юз эллик саккиз минг беш юз уттиз уч)** сумни ташкил этади.

18. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун маблағлар буюртмачининг уз маблатлари ҳисобидан ун беш банк қунида молиялаштирилади ва қолган 85 % капитал таъмирлаш давомида амалга оширилади.

19. Буюртмачи тамонидан жорий молиялаштириш бажарилган ишлар ҳажми ва сифати текширилиб қабул қилингандан кейин ҳақиқий бажарилган ишлар қийматидан берилган аванс суммасини пропорционал ушлаб қолган ҳолда молиялаштириш жадвали буйича амалга оширади.

20. Пудратчининг ҳисоб рақамига тушадиган маблағлар ушбу объект қурилиши харажатларига, шунингдек таъминотчиларга, объект қурилишига зарур бўлган материаллар, техника ресурслари, меҳнатга ҳақ тулаш, объект қурилишида иштирок этаётган ёрдамчи ташкилотларга тулаш учун ва Ушбу объект қурилишининг бошқа харажатларига қатъий сарфланади.

21. Пудратчи жорий молиялаштириш учун ҳисобот ойнанинг охири қунигача ва якуний молиялаштириш учун ҳисоб китоб учун қурилиш монтаж ишлари миқдори, харажатлари тугрисидаги «Бажарилган ишлар қиймати тугрисидаги маълумотнома ҳисоб-варак-фактурани» узи тузиб тақдим қилади. Буюртмачи бажарилган қурилиш-монтаж ишларининг миқдори, сифати ва харажатларини текшириб қабул қилиб имзолайди.

22. Буюртмачига жорий молиялаштириш ва якуний ҳисоб-китоб учун, бажарилган қурилиш-монтаж ишларини миқдори, сифати ва харажатлари текширувидан сунг Пудратчи томонидан % қилинган ва Буюртмачи томонидан қабул қилиб имзо чекиладиган «Бажарилган ишлар қиймати тугрисидаги маълумотнома-ҳисоб-варак-фактура» асос бўлади.

23. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома буйича объектга мулк ҳуқуқини узида сақлайди. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йук қилиниши ва шикастланиши ҳавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

## VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ.

24. Буюртмачи қурилиш майдонида уз вақилини - техник аудитори тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

25. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тусиксиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

26. Пудратчи техник аудитори ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор пудратчи томонидан утказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш буйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

27. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI-булимида

курсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган уз режаси ва иш жадвалига биноан объектда ишларнинг бажарилгани муотакил равишда таъкил этади.

28. Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир килмайдиган иш хужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг курилни сифатига таъсир этмаганлигини неботласа жавобгар хисобланмайди.

29. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аникласа, у холда Пудратчи уз кучлари билан ва курилиш кийматини купайтирмастан ушбу ишларни уларни зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда кайта сажариништа мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишининг кечикиши оқибаотида етказилган зарарларни Буюртмачига тулайди.

## **IX. ЕНГИБ БУЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС МАЖОР) ХОЛАТ ЛАРИ.**

30. Агар ушбу шартнома буйича мажбуриятлар кisman ёки тулик бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошка енгиб булмайдиган куч холатлари натижасида келиб чикса ва агар бу холатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай кisman ёки тулик бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома буйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб булмайдиган холатлари амал килган, шунингдек ушбу холатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равиш узайтирилади.

31. Агар енгиб булмайдиган куч холатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан куп вақтга чузилса, у холда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация килиш учун кандай чоралар курилишини мухокама киладилар.

32. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у холда томонларнинг хар бири шартнома бекор килинишини талаб килишга хақлидир.

## **XI. КАФОЛАТЛАР.**

33. Пудратчи:

- барча ишларни тулик хақмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

- лойиха хужжатларига хамда курилиш меъёрлари, коидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

- уз томонидан курилиш учун кулланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха хужжатларида курсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига хамда техник шартларга мувофиқлигини;

- ишларни кабул килиш ва объектдан фойдаланишининг кафолатли даврида аникланган камчиликлар ва нуқсонларни уз вақтида бартараф килишни;

- объектдан фойдаланилганда мухандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш коидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

Мавжуд нуқсонлар ва уларнинг бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида кайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада курсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у холда Буюртмачи мазкур шартноманинг умумий суммасини 5% микдорида жарима солиш хукукига эга.

## **XII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР КИЛИШ.**

34. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин жорий таъмирлаш бошланиши Буюртмачига боглик булмаган сабабларга кура Пудратчи томонидан бир ойдан куп вақтга кечиктирилганда;

- ишларни тугатишининг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортик муддатга купайган холда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига рноя этилмаганда;

- Пудратчи томонидан шартнома шартлари курилиш меъёрлари ва коидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

- конун хужжатларига мувофиқ бошка асослар буйича шартноманинг бекор килинишини талаб килиш хукукига эга.

35. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боглик булмаган сабабларга кура Буюртмачи томонидан икки ойдан ортик муддатга тухтатиб куйилганда;

- Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари умуман бажарилмаганда;
- конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар буйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

36. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига қўра тўғалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

37. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур булим қондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

38. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

39. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, конун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

### ХИШ. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛҚИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.

40. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, Ўзбекистон Республикаси «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида» ги қонунда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 395 сонли қарори билан, бошқа конун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортилади ва иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди.

41. Мазкур шартномада қўзда тутилган ва тегишли иловаларда қўрсатилган мажбуриятларини бажармаганлиги ёки зарур даражада бажармаган тақдирда Буюртмачи Пудратчи олдида қўйидаги ҳолларда жавобгар бўлади ва:

- белгиланган муддатда объектни иш бошлаш учун пудратчига топширмаса далолатнома буйича бунинг оқибатида ишларни бажариш жадвалида бажариш қўзда тутилган ишларнинг бажарилмаган қисмининг 5% миқдорида жарима тўлайди;

- буюртмачининг ҳисоб рақамига мақсадли молиялаштириш учун тушган пул маблағларини ўч банка қўнида сабабсиз пудратчининг ҳисоб рақамига ўтказиб бермаса ўшлаб турилган сумманинг 5% миқдорида жарима тўлайди;

- шартномага мувофиқ ишларни бажариш жадвали буйича бажарилган ишлар ҳажмини асоссиз равишда қабул қилиб тасдиқлашдан бош тортигани учун ўшбу қабул қилиш, тасдиқлашдан бош тортиган сумманинг 5% миқдорида жарима тўлайди;

- шартнома шартларига мувофиқ тайёр ҳолда қабул қилиш учун тақдим қилинган объектни асоссиз равишда қабул қилишдан бош тортса шартнома қийматининг 5% миқдорида жарима тўлайди;

42. Мазкур шартномада қўзда тутилган ва тегишли иловаларда қўрсатилган мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда Пудратчи Буюртмачи олдида қўйидаги ҳолларда мулқий жавобгар бўлади ва:

- ишларни бажариш жадвалида белгилангандан кам ҳажмда ишларни бажарса, мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмидан ҳар кечиктирилган кўн учун 0.5% миқдорда пеня тўлайди.

- ишларни «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган миқдорда бажариб тегишли тартибдаги маълумотлар билан ҳисобот ойнанинг охириги қўнига қадар тасдиқлатмаса «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган ишлар қийматининг 5% миқдорида жарима тўлайди;

- ишларни «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган миқдордан кам бажарса, бажарилмаган қисмининг 5% миқдорида жарима тўлайди;

- объектни шартномада белгиланган муддатда тайёр ҳолда фойдаланишга топширмаса шартнома қийматининг 5% миқдорида жарима тўлайди;

- Буюртмачи, назоратчи, фойдаланувчи ташкилотлар ва ишчи комиссияси тамонидан аниқланган камчиликлар, нуқсонлар ва сифатсиз бажарилган ишларни белгиланган (ўн қўндан ортиқ бўлмаган) йўддатда бартараф қилмаса ўшбу аниқланган камчиликлар, нуқсонлар ва сифатсиз бажарилган ишлар Қийматининг 5% миқдорида жарима тўлайди.

- 43. Агарда томонлардан бири ўз реқвизитларини шу жумладан юридик ва почта манзилларини, телефон рақамларини, қорхона атамаси ёки мақомини нотўғри берса ва ўзгарганлиги тўғрисидаги маълумотни ўч қалендар қўнда иккинчи томонга ёзма хабар бермаса айбдор томон иккинчи томонга шартнома баҳосининг 0,1% миқдорида жарима тўлайди.

44. Бир тамоннинг айби билан шартномани бекор қилишга тўғри қелса, айбдор тамон

иккинчи тамонга барча зарарларни коплайди, амалдаги қонуларда белгиланган тартибда.

45. Тамонларнинг мулксий жавобгарликка тортилиб туладиган неустойка, штраф ва пенялари шартнома кийматининг 30% ошмаслиги керак.

46. Тамонлар неустойка, жарима, пеня каби мулксий талабларини далолатнома асосида тулов талабномаси буйича акцентсиз амалга оширишга ҳақлидир.

#### XIV. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

47. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда ёки узгартиришда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо буладиган барча низоли масалаларни томонлар муҳокама билан келишувга эришмасалар, у ҳолда улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судга мурожат қилишлари мумкин.

#### XV. АЛОХИДА ШАРТЛАР

48. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар уртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг узаро келишувлари уз кучини йукотади.

49. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

50. Мазкур шартномага киритилган барча узгартириш ва қўшимчал агар улар ёзма шартнома расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолаган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

51. Буюртмачи билан Пудратчи уртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки узгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

52. Агар Пудратчи шартнома буйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида узига тегишли мол-мулкни қолдирса, у қолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш

; тасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тулашни кечиктиришга ҳақлидир.

53. Мазкур шартноманинг жорий нархлардаги келишилган суммаси меъёрий-қонуни ҳужжатларига ККС- тугрисида узгартиришлар киритилса қайта қуриб чиқилади.

54. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари қўлланилади.

55. Мазкур шартнома томонлар имзолаган қундан бошлаб қучга қиради ва барча қузда тутилган шартнома шартлари тулалигича бажарилгунга қадар амал қилади.

56. Мазкур шартнома бир хил юридик қучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

57. Мазкур шартнома «31» «декабрь» 2022 йилгача амал қилади.

#### XVI. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ.

БУЮРТМАЧИ:

ПУДРАТЧИ:

УРГАНЧ МАНЗИЛГОХИ ШИФОХОНАСИ	"XORAZM IRDIMZON QURUVCHI" ЧП
Манзили: Урганч ш. Ёшлик 25 уй	Манзили: Урганч ш. Галаба куч 7 уй 19 хона
Тел/факс: 22-5-60-97	Тел/факс: 97-526-55-05
х/р: 20210000200745237004	Х/р: 20208000200925031001
ИНН: 201942959	СТИР: 203257574
Банк: Миллий банк	Банк: Кишлоқ қурилиш банк Хор.мин фил
МФО: 00547	МФО: 01037

Бош шифокор

И.Р. Искандаров

Директор

Рузметов Ж.А.

Юрист